

№ 418

26.10.2022 йил.

“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси” УК  
Фарғона вилоят худудий  
бошқармаси бошлиғи  
Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПК-408 сонли қарорига асосан Ўзбекистон тумани Тинчлик МФЙ худудид Телов қишлоғида яшовчи 1913 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Ўзбекистон тумани Тинчлик МФЙ Телов қишлоғи аҳолисини бир кунлик сув сарфи 191 м<sup>3</sup> ҳисобланиб, Ўзбекистон тумани Тинчлик МФЙ худудида гидрогеология ташкилоти ҳулосаига асосан 1 донга ичимлик сув қудуғи казиш, ҳамда ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари, лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан тармоқ тортилиб Тинчлик МФЙ Телов қишлоғи худуди ичимлик суви билан таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан ҳулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошланғунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Ўзбекистон тумани Бош муҳандиси:



Р.Султонов

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Ўзбекистон тумани бўлими ИЧБ муҳандиси:

З. Дўсматов